



# YOSHLAR OVOZI

## ХАР ДИЛ — БИР МАНЗИЛ



Бугунги ёш авлоднинг тафаккур эврилишларига сабаб бўлаётган Ёшлар иттифокнинг мега лойиҳаси — “Ўзбекистон ёшлари — янги замон бунёдкорлари” шiori остидаги ёшлар фестиваллари юртимиз бўйлаб давом этмоқда. СУРХОНДАРЁда тарғиботчилар гуруҳларга бўлиниб, вилоятнинг 14 та туман ва шаҳарларида турли акцияларни ўтказди. 3 кун давомида 22 минг 500 дан ортиқ ёш камраб олинган ижтимоий

аҳамиятга эга тадбирлар ташкил этилиб, унда 115 ижтимоий ҳимоя муҳтож оилалар ҳолидан хабар олинди, 600 нафар аҳоли бепул тиббий кўрикдан ўтказилди. Шунингдек, Ўзбекистон ёшлар иттифокнинг тавсияси билан 68 нафар ишсиз ёшнинг бандлиги таъминланиб, 450 нафари ишга жойлаштириш бўйича рўйхатга олинди. 1 та 32 хонадондан иборат “Ёшлар уйи” фойдаланишга топширилди.

Ушбу ижтимоий миссиянинг илк манзили — Сурхондарё вилоятида кечган жараёнлар ортада қолиб (тафсилотларни газетанинг 134-сонида ўқинг), эл ардоғидаги санъаткорлар ҳамда турфа соҳа мутахассисларидан иборат Республика тарғибот гуруҳи кўшни Қашқадарё вилоятида бўлди. Бир вақтнинг ўзида ёшлар фестивали кўҳна ва боқий Бухоро заминидан ҳам старт олди.

Давоми 3-саҳифада

### YUKSALISH

## IT — тараққиёт калити

Тошкент шаҳридаги ИНХА университетидан илк бор “Google Developers Group Developers Festival Tashkent — 2018” Халқаро дастурчилар фестивали бўлиб ўтди.

Унда “Google” компаниясининг мутахассиси Эли Каплан, ИНХА университети ректори Музаффар Жалолов, Ўзбекистон ёшлар иттифоқи Марказий кенгаши раисининг биринчи ўринбосари Алишер Саъдуллаев, Халқ таълими вазири Шерзод Шерматов ҳамда дастурчилар катнашди. Дастлаб Ўзбекистон ёшлар иттифоқи ва ИНХА университети ўртасида ўзаро ҳамкорлик меморандуми имзоланди.

— Глобал тараққиёт даврида ахборот технологияларини ривожлантиришнинг инновацион усулларини излаб топиб, уларни амалиётда кенг қўллаш оқсак, ушбу фестивал кутилган натижани беради, — дейди Ўзбекистон ёшлар иттифоқи Марказий кенгаши раисининг биринчи ўринбосари А.Саъдуллаев. — Замонавий ахборот технологияларининг соҳаларга кириб бориши ва шу тизимда иш юритиш мамлакат тараққиётини юксалтиради.

Шунингдек, тадбирда “Google Developers Group”нинг Тошкент шаҳридаги етакчиси Нуриддин Иминохунов “DevFest 18 — IT” жамоасини биргалликда тузишга бағишланган маърузасида дастур яратишда янги ёшларнинг ҳақида маълумот берди.

Тажрибали тадбиркор, “LeBazar” раҳбари Ботир Арифжонов чакана савдо соҳасида ахборот технологияларининг ўрни тўғрисида ўз фикр-мулоҳа-

заларини билдирди. Шунингдек, электрон тижорат орқали сотиладиган товарлар айланмаси чакана савдо ҳисобланиши, тадбиркорлар интернет тармоғидаги электрон савдо майдончалари орқали қонун доирасида белгиланган рўйхат бўйича товарлар экспортини амалга ошириши мумкинлигини алоҳида таъкидлади.

Эли Каплан “Google Cloud” орқали амалий машинани ўрганиш бўйича ўз тажрибаси билан ўртоқлашди.

— Ривожланган мамлакатлар давлат ҳокимияти тизимини ахборотлаштиришга масъул алоҳида орган тузиб, унга тегишли ваколатлар беради, — дейди Эли Каплан. — Бу жуда муваффақиятли амалиётдир. Мазкур тузилмалар АКШ, Жапония, Австралия ва бошқа кўплаб давлатларда самарали фаолият юритмоқда.

Фестиваль иштирокчилари учун тўртта сессияда ўқув-семинари ташкил этилди. Унда ёш ва хаваскор дастурчилар “Expres 24” да исталган жараённи автоматизация қилиш, юқори даражадаги инновацион ташкилот тузиш ва айни пайтда баъзи кадрларга қаттиқ риоя қилиш, замонавий рақамли дунёдаги кибер химоя ҳамда рақамли трансформацион ўсиш модели, кичик ёшдагилар учун “Агиле” дастури билан боғлиқ билимларни ўзлаштириди.

Яқинда иштирокчилар “Google”нинг сўнгги технологиялари ва ишланмалари билан танишиш имконига эга бўлди.

Шаҳноза НУРУЛЛАЕВА

## ОИЛА БИРДАМЛИГИ — ЖАМИЯТ МУСТАҲКАМЛИГИ

Баъзан катталарнинг ўзи ёшларга нотўғри йўл кўрсатиб, ҳаммасини фарзанди бахти-қамоли учун қилаётганини бот-бот таъкидлайди. Шунда муаммонинг асл илдизи қаерда экани бироз ойдинлашгандек бўлади.

2-саҳифада ўқинг

### MUNOSABAT

## БЎЛАЖАК БУХОРИЙЛАР МАКТАБИ

Сўнгги йилларда диний-маърифий соҳадаги янгиланишлар ҳалқимизни бениҳоя хушнуд қилмоқда. Хусусан, Ўзбекистон халқаро ислом академияси, Ислам цивилизация маркази, Имом Бухорий ва Имом Термизий халқаро илмий-тадқиқот марказлари, Мир Араб олий мадрасасининг ташкил этилгани диққатга сазовордир. Бундай хайрли ишлар негизда халқимизга, айниқса, ёшларга исломнинг асл моҳиятини тушунтириш, аждодларимизнинг бебаҳо илмий меросини ўрганиш ва уни янада кенг тарғиб этиш мақсади мужассам.

(Давоми 2-саҳифада)



## АЪЗАМНИНГ БОШ КИЙИМЛАРИ

Қаршилик Аъзам Зоҳидов тенгдошларига ибрат бўлаётган ёш хунармандлардан. У қорақўл ва бошқа ноёб терилардан турфа дизайнли бош кийимларини ишлаб чиқаради. Маҳсулотлари жуда машҳур ва харидоргир. Айниқса, чет эллик сайёҳлар орасида.

Меҳнатқаш дўстимиз шахсий бизнеси ортидан беш нафар йигит-қизни ҳам доимий иш билан таъминлаган.

### SHU SONGA XABAR

## ЛОЙИҲА СТАРТ ОЛДИ



Пастдарғом туманида ёш оилаларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, ажримларнинг олдини олиш мақсадида ташкил этилган “Ёш оилаларга Ўзбекистон ёшлар иттифоқи кўмаги” лойиҳаси старт олди.

— Республика ишчи гуруҳи амалга оширилиши лозим бўлган вазифаларни белгилаб олган, — дейди Ўзбекистон ёшлар иттифоқи Марказий кенгаши раиси ўринбосари Дилноза Каттахонова. — Унга кўра, уйма-уй юриб, ижтимоий-иқтисодий ҳолати оғир ёш оилаларнинг муаммоси ўрганилади. Жараёнда мутасадди ташкилотлар кўмағида ушбу муаммоларни ҳал этиш чораси кўрилади. Республика даражасида бартараф этилиши лозим бўлган масалалар учун “Йўл харитаси” ишлаб чиқилади.

Ушбу йирик лойиҳа намуна тарзида Пастдарғом туманида ўтказилаётгани ҳам бежиз эмас. Айни пайтда ҳудудда 21 минг 377 та ёш оила истиқомат қилади. Ачинарлиси, улар ўртасида ажримлар ўт-

ган йилнинг шу даврига нисбатан сезиларли даражада кўпайган.

Лойиҳа доирасида ижтимоий-маънавий муҳитни соғломлаштириш, оилавий тадбиркорлик учун имтиёзли кредитлар ажратилиш, бандликни таъминлаш ҳамда томорқадан унумли фойдаланиш борасида амалий кўмак бериш каби хайрли ишлар амалга оширилади.

Қолаверса, тумандаги мавжуд барча академик лицейлар, касб-хунар коллежлари ва мактабларнинг юқори синф ўқувчилари учун махсус тренинглари ташкил этилади.

Мухбиримиз

### SPORT

## Ўн етти жамоа, учинчи ўрин

Қозоғистонда спортнинг таэквондо, гандбол, эркин ва юнон-рум каби турлари бўйича ўтказилган “Мен — чемпион!” халқаро мусобақада сирдарёлик ёшларимиз муваффақиятли иштирок этиб, учинчи ўринни қўлга киритди.

Бешинчи мартаба ўтказилаётган мазкур беллашувда 17 жамоа ўн иккита шарт бўйича куч синашди.

— Ўн икки ёшдан ўн тўрт ёшгача бўлган ўғил-қизлар ўртасида ўтказилган мусобақада илк мартаба иштирок этдик, — дейди Гавхар Абдусобирова. — Дастлабки қадам бироз мураккаб кечган бўлса-да, ортага ғалабасиз қайтдик. Кейинги йилда, албатта, биринчи ўринни олишга ваъда берамиз.



Аънавий тарзда ўтказиб келинаётган халқаро турнирда бу гал юртимиздан биринчи бўлиб, Ёшлар иттифокининг Сирдарё вилояти ҳудудий кенгашларидан сараланган ўғил-қизлар иштирок этди. Улар орасида мактаб сардорлари ҳамда фаол ўқувчилар бор. Ушбу мусобақа қўллаб-қувватлаш бўйича бир мақсад сари жам бўлишга ундаши шубҳасиз.

Ҳасан УСМОНОВ

IMKONIYAT

Республикамиз бўйлаб йигит-қизлар бандлигини таъминлаш, уларни тадбиркорликка жалб этиш мақсадида “Ёшлар бандлигини таъминлашга кўмаклашиш” ҳафталиги ўтказилди.

Улар энди ишсиз эмас

Э.АБДУЖАБОРОВ

Лойиха доирасида турли учрашувлар, ўқув-семинари ва ярмаркалари ташкил қилинди. Жумладан, Конимех туманида “Биз-нега саёҳат” лойихасида ёшлар “Konimex ASKOMJ” ва “Навоий гипс хомашё” мастурия чекланган жамиятларига борди. Саёҳат давомида йигит-қизлар иссиқхона фаолияти билан яқиндан танишиб, ташкилот раҳбари Навруз Ибрагимовдан ишбилармонлик сирлари ҳақида маълумот олди.

Коллежни битирган ёш бирор иш бошлашда ёки янги жамоа билан ўзаро мулоқотга киришишда қийинчиликка дуч келиши табиий. Жиззах вилоятида ташкил этилган “Бандлик ва бизнес автобус” лойихаси ана шу каби муаммоларни бартараф этишга хизмат қилди. Лойиха доирасида ёшлар учун “IN STYLE” корхонасига саёҳат уюштирилди. Тенгдошларимиз бу ерда ходимларга яратилган шароитлар, замонавий ускуналар, техника хавфсизлиги қоидалари билан танишди.

— Ҳафталик ҳақида синглимдан эшитиб келдим, — дейди Хуршида Бердиева. — Бир қанча бўш иш ўринлари ҳақида маълумот олдим. “IN STYLE” корхонасидаги иш жараёни менга жуда ёқди, шу сабабли ҳам улар билан меҳнат шартномаси туздим.

Ҳафталик доирасида 753 та тадбир ташкил этилиб, унда 50 минг 803 нафар йигит-қиз иштирок этди. Уларнинг 1 минг 230 нафари доимий ишга эга бўлди. 9 минг 409 нафар ёш тадбиркорлик фаолиятини бошлаш арафасида ҳамда 3 минг 772 нафар тенгдошимиз ҳунари ўрганиш учун тўғарақларга жалб этилди.

БЎЛАЖАК БУХОРИЙЛАР МАКТАБИ

(Бошланиши 1-саҳифада)

Президентимизнинг жорий йил 16 апрель кундаги “Диний-маърифий соҳа фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармонида соҳада амалга ошириладиган қатор вазифалар белгилаб берилган эди. Ўтган қисқа даврда қатор амалий ишлар бошлаб юборилди. Хусусан, кунни-кеча Самарқандда Ҳадис илми мактаби ташкил этилди.

Ушбу мактабда илму толиблар Куръони қаримнинг асл моҳиятини, ҳадисларнинг илмий-назарий асосларини чуқур ўрганган, унинг ривожига улкан ҳисса қўшган улғу ашрафлар меросини пухта ўзлаштирилади ҳамда соҳада тадқиқотлар олиб боради. Шу билан бирга, ҳадислардаги эзгу умуминсоний ғояларни халқимизга, айниқса, ёш авлодга етказилади.

Тарихга назар ташласак, ушбу табаррук заминдан минглаб ҳадис алломалари етишиб чиққанига гувоҳ бўлаемиз. Абу Ҳафса Умар Насафийнинг “Китобул қанд” китобида ёзилишича, биргина VII-XII асрлар оралиғида Мовароуннаҳрда 3 минг нафардан зиёд муҳаддис яшаган. Уларнинг минг нафардан ортиғи Самарқандда, 600 нафардан зиёди Бухорода, яна 400 нафари Насафда, қолганлари эса, Мовароуннаҳрнинг бошқа минтакаларида фаолият олиб бораган айтилади.

Бутун мусулмон оламида умумэтироф этилган олтинта саҳих ҳадислар тўпламининг иккитаси (баъзи олимлар уларни учта дейди) мовароуннаҳрлик олимлар томонидан ёзилган. “Муҳаддис олимлар султони” номи билан машҳур бўлган Имом Бухорий олти юз мингдан зиёд ҳадисни ёддан билган ва уларнинг орасидан етти мингдан кўпрогини “Ал-Жомъе ас-саҳих” китобига киритган. Шу са-

бабли ҳам янги ташкил этилаётган Ҳадис илми мактабининг Имом Бухорий ёдгорлик мажмуаси ҳудудида жойлашганида ҳам қатта ҳикмат бор, десак янглишмаймиз.

Бухорийнинг етук шогирдларидан саналган Имом Термизий “Сунан” асари билан юртимиз муҳаддисларининг юксак даражасини яна бир бор исботлаб берди. Ушбу тарихий ҳақиқат асрлар оша кўплаб олимлар томонидан эътироф этилган. Хусусан, замонамизнинг йирик улаомларидан бири Шайх Муҳаммад Аввома шундай дейди: “Ўзбекистондан етишиб чиққан Имом Бухорий, Имом Термизий каби алломаларнинг Ислам илмларига қўшган буюк ҳиссасини бутун дунё эътироф этади. Бу диёр дунё мамлакатларини ёритган оламга нур таратган замин ҳисобланади. Жадал ривожланиб бораётган Ўзбекистонда адолатли раҳбар бошчилигида инсонлар фаровонлиги, уларнинг тўқин ҳаёти йўлида хайрли ишлар амалга оширилмоқда. Ҳозир Ўзбекистон қатта тараққиёт йўлида. Ишонманки, ушбу мамлакатнинг келажаги буюк бўлади, иншооллоҳ”.

Ўзбекистон мусулмонлари идораси муассислигида фаолият олиб борилган ушбу олий диний таълим муассасида бақалавр даражасига эга мутахассислар тайёрланади. Мазкур даргоҳга 2018-2019 ўқув йили учун 10 та қабул квотаси ажратди. Эндликда мактабга араб тилини пухта ўзлаштирган, ҳадисларни ёд олиш салоҳиятига эга, ўрта махсус диний таълим муассасаларининг иқтидорли битирувчилари саралаб олинади. Улар бу ерда ислом оламида машҳур бўлган ҳадис китоблари ва уларнинг шарҳларини ўрганади.

Талабаларга юртимизда фаолият юритаётган етакчи мутахассислар ва хорижийнинг машҳур олимлари сабоқ

беради. Қолаверса, ўқитувчи ва талабалар мунтазам равишда хорижий кўза кўрган илмий марказларида билимларини янада мустаҳкамлаб боради.

Қолаверса, битирувчилар Ўзбекистон халқаро ислом академиясининг магистратура ва докторантура босқичида таҳсил олиш имконига эга бўлади. Табиийки, бу жараён ёшларнинг ҳадис илмида тадқиқотлар олиб бориш, юқори илмий даражаларга эришиш, бир сўз билан айтганда, Бухорий, Термизий каби аждодларнинг муносиб авлоди бўлиши учун замин яратлади.

Президент Шавкат Мирзиёев 2017 йил 19 сентябрда БМТ Бош Ассамблеясининг 72-сессиясида сўзлаган нутқида ҳам буюк бобомиз Имом Бухорий номини тилга олиб, ушбу зотнинг бой илмий меросини асраб-авайлаш, ўрганиш, одамлар, биринчи навбатда, ёшларнинг онгу тафаккурини маърифат асосида тарбиялашнинг энг муҳим вазифалар сифатида айтиб ўтган эди. Шу маънода бугунги глобаллашган ва фикрий курашлар авж олиб бораётган бир даврда “Жаҳолатга қарши маърифат” илмий мактаби сифатида шаклландиран ушбу муассасида ҳадислардаги чин инсоний ғоялар, ҳар қандай зўравонлик, қон тўкиш иллатларининг қаттиқ қораланиши борасида ҳам илмий ишлар амалга оширилади ва кенг жамоатчиликка етказилади.

Ҳеч кимга сир эмаски, бугунги таҳликал билан бир пайтда соғлом эътиқодни, айниқса, муқаддас туйғуларини мусоффо ҳолида сақлаб қолиш ҳар қачонгидан ҳам муҳим. Бу хайрли ишда Ҳадис илми мактаби муҳим аҳамият касб этишига шубҳа йўқ.

Давронбек МАХСУДОВ,  
Ўзбекистон халқаро ислом академияси кафедраси мудири

YUKSAK MA'NAVIYAT - YENGILMAS KUCH

Ўз ақл-заковати ва юксак салоҳияти билан дунё цивилизациясига муносиб ҳисса қўшган буюк аждодларимиз билан фахрланамиз, улар номини гурур билан тилга оламиз. Лекин бу билан чекланмай, аввало, уларга муносиб ворис бўлишимиз, уларнинг анъаналарини давом эттиришимиз зарур.

Буюк Навоийнинг самарқандлик ворислари

Ғ.ҲАСАНОВ,  
ЎЗА МУХБИРИ

Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партияси марказий кенгаши ташаббуси билан ўтказилган анъанавий “Навоий ворислари” кўрик-танловнинг Самарқанд вилояти босқичида бу фикр қайта-қайта таъкидланди.

— Ёшлар томонидан Алишер Навоий ижодини чуқур ўрганиш, китоб мутолааси ва китобхонлик маданиятини юксалтириш, устоз-шогирд анъанасини ривожлантириш каби мақсадларга қаратилган танлов даҳо шояримизнинг муносиб ворисларини излаб топиш ҳамда уларни рағбатлантиришга хизмат қилмоқда, — дейди “Миллий тикланиш” демократик партияси Самарқанд вилояти кенгаши масъул ходими Ғ.Оқбўтаев. — Аввалги йилларда мазкур тадбирда фаол иштирок этган, ғолиб бўлган ёшлар бугунги кунда олий ўқув юрларида таҳсил олмақда. Навоий ижоди буйича илмий изланишлар олиб бораётган йигит-қизлар ҳам кўпчиликл.

Танловнинг туман ва шаҳар босқичларида ғолибликни қўлга киритган 16 нафар иштирокчи энг кўп ғазал ёд олиш, ғазални ифодали ўқиб, ғазал матнининг насрий баёни (ёзма шарҳ)ни ярата олиш, матндаги тушуниш қийин сўзларни изоҳлаб бериш каби шартлар буйича баҳаслашди. Ҳақамлар ҳайъати ҳулосасига кўра, барча шартларни аъло даражада бажарган ну-рободлик Дурдона Исарова биринчи ўринни қўлга киритди ва танловнинг мамлакат босқичига йўлланма олди. Пайариклик Севинч Саъдуллаева иккинчи, Самарқанд шаҳридан Сулфина Рашидова ҳамда Иштихон туманидан Меҳрангиз Абраева учинчи ўринни қўлга киритди.


Танлов кунларида Олий Мажлис Қонунчилик Палатаси Спикери ўринбосари, Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партияси марказий кенгаши раиси С.Отамуродов катнашчиларни танловдаги фаол иштироки билан табриқлаб, ғолиб ва совридорларга дишом, фахрий ёрлик ҳамда эсдалик совгаларини таътанали равишда топширди.

DOLZARB MAVZU

Замирахон БИЛОЛОВА,  
“Оила” илмий-амалий тадқиқот маркази илмий ходими

ОИЛА БИРДАМЛИГИ — ЖАМИЯТ МУСТАҲКАМЛИГИ

Оила қуриш остонасида турган ёш келин-куёвнинг ҳадик-ҳаяжонини ўзини тутишига ҳеч эътибор қилганмисиз? Худдики улар бошқа оламга тушиб қолган-у, бунда иккисидан бўлак ҳеч кимса йўқдек. Мана шундай пок қалб, соф ниятлар ила янги бир оила бунёд бўлади. Бундан қатъиян кичик, барча хурсанд. Аммо... Орадан ҳеч қанча вақт ўтмайди, қийинчилик ила қурилган оила осонгина бузилади. Ҳамма ўзиникини маъқуллайди, норасидалар ҳеч кимнинг ҳаёлига келмайди. Тамом, ҳаммасига шу ерда нуқта қўйилади, йўллар айро тушади...



Афеуски, бугун ҳаётнинг бундай манзаралари барчамизга яқин таниш, оддий ҳодисадек бўлиб улгурди. Бу эса, жамият ҳалокати демек. Шу боис ҳозирда муқаддас кўрғон мустаҳкамлигини таъминлаш, оила манфаатини ҳимоя қилиш давлат сиёсатининг энг устувор йўналишларидан бирига айланган. Хусусан, 2018 йил 2 февралда Президентимиз томонидан “Хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш ва оила институтини мустаҳкамлаш соҳасидаги фаолиятни тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармон имзоланди. Мазкур ҳужжат асосида Республика “Оила” илмий-тадқиқот маркази фаолияти янгидан йўлга қўйилди. Маҳалла фуқаролар йиғинларининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари буйича маслаҳатчиси лавозимлари тугатилиб, ўрнига хотин-қизлар билан ишлаш ва оилаларда маънавий-ахлоқий кадрларни мустаҳкамлаш буйича му-

тахассис лавозими жорий этилди. 2017-2018 йиллар “Оила” илмий-амалий тадқиқот маркази томонидан оилалардаги ажримлар ҳолати таҳлил этилганда динамика ўсиш тенденцияси кузатилди. Сабаблар ўрганилди. Бу каби салбий ҳолатлар ёшларимизнинг оила қуришга тайёр эмаслиги, соғлиғига эътиборсизлик, йигитларнинг оилани бошқариш, рўзгорини моддий таъминлаш, фарзандларни маънан ва жисмонан соғлом қилиб тарбиялашни ўз бурчи деб билмаслиги, қизларнинг эса, уй бекаси, оналик вазифасини тушунамаслиги, аксарият ҳолларда қайнона ва келин ўртасидаги можаролар ёки икки томон қатталарининг ёшлар ҳаётига сабабсиз тез-тез аралашини туфайли юзага келаятгани аён бўлди. Бундан ташқари наврасталарда оила ҳақидаги тушунчалар умуман йўқлиги, ота-оналар томонидан бу борада ҳеч қандай йўналиш берилмагани каби вазиятлар ҳам кузатилди. “Одам дунёга бир марта келади”. Шу бир қалима сўз билан қанча савоб ишлар қилиши мумкин. Шу бир қалима сўз тинжизда қанча гуноҳга ботиши мумкин. Бу гани қариқиз айтса, йиғлагинг келади. Сатанлар айтса, энсаси қотади одамнинг. “Кўй ўша севги-невгини, ажрашинглар, — дейди бойбучча она қизча. — Одам дунёга бир марта келади!”. “Сени бир ҳафтада онаси ўпмаганга уйлантириб қўлмагане, — дейди такаб-рота улаги. — Ажраш”. “Одам дунёга бир марта келади!” (Муҳаммад Юсуф “Осмоннинг охири қаерда”). Бу каломни ҳар ким ўзига мослашти-

ради. Тўғри, ҳаммамиз дунёга бир марта келамиз. Лекин бу билганингни қил, хоҳлаганинча яша, дегани эмас-ку. Ақл-тафаккур билан ҳаёт кечиринг ҳар кимнинг ҳам чекига тушмаслиги эса, ачинарли. Баъзан қатталарнинг ўзи ёшларга нотўғри йўл кўрсатиб, ҳаммасини фарзанди бахти-қамоли учун қилаётганини бот-бот таъкидлайди. Шунда муаммонинг асл илдизи қаерда экани бироз ойдинлашгандек бўлади. Она қизга сабр-қаноат, қатталарга хурмат, уйдаги гапни кўчага ташимаслик, оилада тош келса кемириб, сув келса смириб яшаш кераклигини, ота эса, ўғилга оилани бошқариш эркак олдидаги муқаддас вазифа экани, аёлига садоқат, меҳр-оқибатли бўлиш, яхши-ёмон кунларда бир-бирига суяниш лозимлигини ўргатмайди. Гўёки, фарзанд ҳаммасини биладигандек, бўйи чўзилди, тамом, оила масъулиятини юклайди-қўяди. Қошқийди, шу билан ҳаммаси яхши бўлиб кетса. Аммо юқоридаги тушунчаларнинг ҳеч бирига эга бўлмаган ёш эр-хотиндан қандай қилиб мустаҳкам оила бунёдкорлари бўлишни кутиш мумкин. Табиийки, ёшларнинг оилада шаклландиран онгни ташқи таъсир билан ҳам юксалтириш анча мушкул. Мана, нима учун оила мустаҳкамлиги йўлида олиб бориладиган ишлар қутилган натижани берма-япти! Чунки оила ҳақиқий вазифасидан йироқлашиб кетган. Муқаддас кўрғон мустаҳкамлигини таъминлаш бир томоннинг ҳаракати билан амалга ошадиган иш эмас. Буни қачон одамларга тушунтира оласан, улар тушунчаларини ўзгартирса, фарзандларини оилага тайёрлашни ўз бурчи деб билса, тўғри таълим-тарбия беролсагина вазият ўнгиланиши осонлашади. Оилалар бирдамлиги қучайиб, жамият мустаҳкамлиги боваради. Бу, ўз навбатида, мамлакат ривожига таъсирини кўрсатади. Ёшларимиз мустаҳкам оила қуришни астойдил хоҳлайди, лекин оила ҳақидаги билим-қўнимаси етарли эмаслиги доим панд беради. Истардимки, ота-оналар фарзандларининг оила ҳақидаги тасаввурини яхшилаш, уларни муқаддас кўрғон учун тайёрлашни доимий эътибор қаратса, нур устига нур бўларди. Зеро, ҳаётдаги энг бебаҳо нарса бу ОИЛА — аввал тутилганинг, кейин эса, яратганидир.

ANJUMAN

ЖУРНАЛИСТ ЗИДДИЯТЛИ ВАЗИЯТЛАРДА

Рисолат МАДИЕВА

Ўзбекистон Журналистларни қайта тайёрлаш халқаро маркази давлат ташкилотлари ахборот хизмати ходимлари ва журналистлар учун “Зиддиятли вазиятларда журналистика асослари ва принциплари” мавзуда семинар-тренинг ўтказди.

Тадбир Европа Иттифоқининг Марказий Осиё давлатлари учун йўналтирилган “Жамиятда хавфсизлик ва барқарорликни таъминлашда ОАВнинг ўрни” лойихаси доирасида ташкил қилинди.

Анжуманда оммавий ахборот воситаларида ёритилган зиддиятли ҳолатларни конструктив ҳал қилиш имкониятлари, мақолалар тайёрлашда зарур амалий кўникмаларни шакллантириш, ушбу касбий фаолиятда муҳим саналган масъулият ва бағрикенглик масалалари, халқаро ва миллий меъёрий-ҳуқуқий асослар, касбий этика кодекслари хусусида сўз юритилди.

— Зиддиятли вазиятлар журналистикаси — жамоатчиликни конфликтларнинг сабаблари ва уларни бартараф этиш йўллари, ечимига қаратилган имкониятлар билан таништириб боради, — дейди Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети доценти Наргиз Қосимова. — Профессional жур-

## ХАР ДИЛ — БИР МАНЗИЛ

**КАШҚАДАР**да фестивал Қарши шаҳридаги “Ёшлар маркази”да ОАВ вакиллари иштирокида матбуот анжумани билан бошланди. Матбуот анжумани чоғида миссия раҳбари — Ўзбекистон ёшлар иттифоқи Марказий Кенгаши раиси ўринбосари вазифини бажарувчиси Бегмат Очиллов фестивал дастуридан ўрин олган йиғирмага яқин лойиҳанинг биронтаси ҳам кўзбўямачилик учун ўтказилмаслигини, аксинча, ҳар бирдан реал натижалар қўшлаётганини маълум қилди. Бу сўзларда заррача муболага йўқлигига Сурхондарёнинг ўзидаёқ, дейлик, олис Деновда 32 ёш оиллага янги уй қалити топширилгани ёки шерабодлик 50 нафар ишсиз ёш туманда яқиндагина қуриб битказилган цемент заводига ишга жойлашганини кўриб ишонч ҳосил қилгандик. Қўшни воҳалдаги хайри ташаббуслар ҳам сифат-савияси жиҳатидан бундан асло кам бўлгани йўқ.

Тарғибот гуруҳининг 37 нафар республика, 12 нафар вилоят аъзолари 5 та гуруҳга бўлиниб, Қарши шаҳри ва Қарши, Касби, Миришкор, Нишон, Китоб, Шаҳрисабз, Яқкабоғ туманларида “Ёшлар кутубхонаси”, “Ўзбекистон Куролли Кучлари — матонатли ёшларнинг ҳаёт мактаби”, “Ёшлар билан очик мулоқот”, “Ҳоким ва ёшлар”, “Конституция ҳафталиги”, “Фарзандлик бурчим” патронаж ёшлар лойиҳаси, “Ал-помииш издошлар” шиори остида спорт мусобақалари, “Бизнес саҳнат”, “Ёшлар наشرлари кунлари”, “Менинг далам — менинг фаҳрим” шиори остида фермерлар томонидан етиштирилган маҳсулотлар кўргазмаси каби йиғирмага яқин тadbирлари ташкил этди.

Жумладан, “Ёшлар билан очик мулоқот” лойиҳаси доирасида **Қарши шаҳар** ҳокими Жамшид Фозилов билан ёшларнинг учрашуви,



**Нишон тумани**да яқка тартибдаги тadbиркор Улугбек Бегмаматов ташкил этган “Нон цехи” ва “Компьютер ва интернет хизматлари маркази”нинг очилиш маросими, **Касби тумани**да ўтказилган “Ёшлар наشرлари кунлари” лойиҳаси ва ёш фермерлар томонидан етиштирилган маҳсулотларнинг “Менинг далам — менинг фаҳрим” кўргазмаси унутмас таассурот қолдирди.

**Миришкор туман** Болалар мукаси ва санъат мактабида Ўзбекистон Республикасининг Конституциясининг йиғирма олти йиллиги муносабати билан ўтказилган “Конституция ҳафталиги” лойиҳасида қатнашган юзлаб чегарадош худуд ёшлари таникли кишилар билан мулоқотда бўлди.

**Чекка худудларда** “Фарзандлик бурчим” патронаж ёшлар лойиҳаси доирасида турли оқимларга алашиб кириб қолган, боқувчисини йўқотган оилалар фарзандлари, жисмоний ёки руҳий ривожланишида нуқсонли бўлгани боис, уйда таълим



олаётган ўқувчилар ҳамда ёлғиз қариёлар ҳолидан хабар олиниб, уларга ўқув куроллари ҳамда бадиий китоблар ва озик-овқат маҳсулотлари берилди.

**Яқкабоғ тумани**да ёшларни бадиий китоб ўқишга бўлган қизиқишларини ошириш мақсадида улар “Болалар китоби” лойиҳасига



**Дилфуза ШОДИЕВА,**  
Ўзбекистон ёшлар иттифоқи қошидаги Ёшларга ижтимоий психологик хизмат кўрсатиш Маркази директори:

— Фестивал сабаб ажойиб инсонлар билан танишим, маҳаллий ҳокимият вакиллари худудларда Ёшлар иттифоқи билан яқинликда оддий одамларнинг муаммоларини ҳал этиб, уларнинг қалбига йўл топаётганини, эртанги кунга ишончини уйғотаётганини кўрдим. Биз аҳолиси унча кўп бўлмаган, етиб бориш ҳам осон кечмайдиган Сарносё туманида аҳоли билан учрашганимизда уларнинг кўзидagi секинча ёшларнинг пайқадик. Улар шунча олисдан Ёшлар иттифоқи йўқлиб боргани, ҳол сўраб муаммолари билан кизикаётганидан миннатдорлигини қайта-қайта таъкидларди.

Биз буйрак етишмовчилигидан азият чекаётган бир боланинг ҳолидан хабар олиш учун унинг уйига борганимизда оилавий шароит дори-дармон сотиб олишга имкон бермаётганини билдик. Ёшлар иттифоқи бу муаммони зудлик билан ҳал этишга киришди ва бундай мисоллар кам эмас.

Умуман, Ёшларга ижтимоий психологик хизмат кўрсатиш Маркази жойларда нотинч оилалар, жиноятчиликка мойил ҳамда руҳий тушқунликка тушган болалар билан индивидуал тарзда ишлади. Чунки натижага эришиш учун бу жуда муҳим. Профилактик ҳисобда турган болани ҳисобдан чиқариш бўйича тавсия бериш, ажрашиш арафасидаги ёш оилани сақлаб қолиш, руҳий тушқунликка тушган ёшларнинг ҳолатини яхшилаш, уюшмаган ёшларни йўналтириш каби нозик масалалар жиддий ёндашуви талаб қилади.

Шуларни инобатга олиб, фестивал доирасида Ёшлар иттифоқининг етакчилари ҳамда мактаб психологлари учун махсус ўқув-семинарлари ўтказяпмиз. Ички назоратда турган болалар билан қандай мулоқот олиб бориш ҳақида тушунтиришлар беряпмиз.



жалб этилди. **Шаҳрисабз шаҳри**да “Депутат ва ёшлар”, “Сенатор ва ёшлар”, “Прокурор ва ёшлар” учрашувлари уюштирилиб, унда депутат Собир Пиримов ҳамда сенатор Исомиддин Аборов, туман прокурори Хамса Бобожонов қатнашди. **Чирокчи тумани**да Абдумалик Мирзаев томонидан қурилган “Yoshlar mehnat

guzari”да яратилган янги иш ўринларида ёшлар иш бошлади.

Қарши давлат университетидида ташкил этилган “Ўзбек-туркман дўстлиги абадийдир” мавзусида икки миллат вакилларининг маданий учрашуви ва кўргазмаси маъмур фестивалга ўзига хос безак бўлди.

### ЦЕХ ОЧДИ, ЭНДИ ПАВЛОВНИЯ ЕТИШТИРМОҚЧИ

Масалан, Касбининг Муғлон қишлоғи “Тинчлик” маҳалласида тумандаги биринчи ва ҳозирча ягона мебель ишлаб чиқариш цехи очилди. Хўш, бунга Ёшлар иттифоқининг нима алоқаси бор, дейишингиз мумкин. Гап шундаки, корхона 25 ёшли Аъзам Панжиев ташкил қилган. Йўқ, у Иттифок аъзоси эмас. Шундай эса-да, Иттифок унга “Yoshlar — kelajagimiz” жамғармасидан 157 миллион сўм микроида имтиёзли кредит олиш имконини берди. Улдабурон дўстимиз дарҳол керакли ускуналарни харид қилиб, цех учун жой хозирлади. Ҳозир Аъзам ва унинг саккиз нафар тендоши йиғирма хил мебель жижзини тайёрлаб, маҳаллий истеъмолчига етказиб бермоқда.

— Йиғиларнинг қўли-қўлига тегмайди, — дейди Касби тумани ҳокимининг ёшлар сибасати, ижтимоий ривожлантириш ва маънавий-маърифий ишлар бўйича ўринбосари Мансур Алширов. — Яқинда улар туманда хусусий шериклик асосида бунёд этилган 15 та мактабгача таълим муассасаси учун 400 та мебель жамланмасини тайёрлаб берди. Тез орада яна саккизта уй-боғча билан шартнома имзолаш кўзда тутилган. Аъзамжонга ўхшаган юрагида ўти бор азаматлар иш йўқлигини баҳона қилиб, уйда танбаланиб ётган қанча боқимандаларга шахсий ибрат бўла олади.

Келаси йили касбилик ёш тadbиркор фаолиятини кенгайтириб, эшиклар ишлаб чиқаришни ҳам йўлга қўймоқчи. Натижада йиғирмата янги иш ўрни яратилади. Бундан ташқари, Аъзам Панжиев мебельбоп павловния дарахтини етиштириш мақсадида маҳаллий ҳокимликдан беш гектар сугориладиган ер майдонини сўраб мурожаат қилган.

— Павловния атиги 2-3 йил ичида жуда катта дарахтга айланади, — дейди тендошимиз. — Танасининг мустаҳкамлиги деярли эманикига тенг. Нархи эса, қайрағочникидан икки баравар қиммат. Ушбу қимматбаҳо қомаҳини ўзимизда экиб, қайта ишласак, катта фойда оламиз. Маҳсулотларимиз сифати ортиб, таннархи, аксинча, арзонлашади.

Фестивал доирасида тарғибот гуруҳи аъзолари Ёшлар иттифоқи кўмаги билан нон маҳсулотлари тайёрлаш ҳамда компьютер хизматлари кўрсатиш йўналишларида тadbиркорлик фаолиятини бошлаган нишонлик Улугбек Бегмаматов, Қарши туманида иссиқхона ташкил қилган “Зиёдбек Яшин ҳамкор” хусусий корхонаси раҳбари, шунингдек, Миришкорда миллий ширинликлар ишлаб чиқараётган яқка тартибдаги тadbиркор Матлуба Расулова фаолияти билан яқиндан танишди.

Меҳмонлар яратилган имкониятлардан унумли фойдаланиб, шахсий бизнесини йўлга қўйишдан чўчимаган бу тендошларимизнинг келгуси улкан режалари билан ўртоқлашди.

**БУХОРО** вилоятида ҳам ёшлар фестивали кўтаринки руҳда бошланди. Дастлаб тарғиботчилар Баҳауддин Нақшбанд мақбарасини зиёрат қилди. Шундан сўнг улар гуруҳларга бўлинган ҳолда ўз миссияларини бажаришга киришди.

### БИЗ ХЕЧ КИМДАН КАМ ЭМАСМИЗ!

Бухоро шаҳридаги кўзи ожизлар мактаб-интернатидида ўтказилган тadbирда ўқувчи-ёшлар тарғиботчиларни ана шундай шиор ила қутиб олди. Имконияти чекланган бўлишига қарамадан бу ўғил-қизлардаги шижоат, ғайрат ва интилиш мутахассисларни лол қилди, десак, асло муболага бўлмайдди. Ўз муаммоларини очик-ойдин ўртага ташлаб, жўяли таклифлар билдирган ўқувчиларнинг инглиз тилида ашулалар айтиб, ажойиб шеър ва рақслар ижро этгани меҳмонларда катта таассурот қолдирди.

— Орамизда инглиз тилини ўрганишга қизиқадиган тендошларим жуда кўп, — дейди мактаб-интернат ўқувчиси Дурдона Мухаммадова. — Кўпчилик Ёшлар марказидаги тўғарақларга бора олмайдди. Шунинг учун таълим муассасамизда чет тили тўғарақлари очилса ва малакали мутахассислар жалб этилса, яхши бўларди.

Бундан ташқари, учрашув давомида юқори синфлар учун Брайл



алифбосидаги дарсликларни чоп этиш, аудио китобларни қўлайитириш, кўзи ожизлар учун турли спорт мусобақаларини ташкил этиш таклифи билдирди. Ёшлар иттифоқининг маҳаллий кенгаши раиси Миришкор Очиллов ушбу муаммоларни тинглаб, мактаб-интернатта 150 та бадиий ва аудио китоблар олиб беришни ваъда қилди. 2019 йилда Бухоро шаҳрида имконияти чекланган ёшлар учун кичик паралимпия ўйинлари ўтказиладиган бўлди.

### МУСТАҲКАМ ОИЛА САРИ

Бухоро давлат университетидида ўтказилган ёш оилалар форуми шундай номланди. Унда вилоят хотин-қизлар кўмитаси, “Оила” илмий-амалий тadbирот маркази худудий бошқармаси мутахассислари, талаба-ёшлар иштирок этди.

Очик мулоқот тарзида ўтган форумда оиланинг жамият ҳаётидаги ўрни, ёш оилалар ўртасидаги ажримлар сабаблари ва уларни барқарор этиш, эрта никоҳнинг олдини олиш масалалари хусусида сўз юритилди. Оилаларни мустаҳкамлаш, йиғит-қизларни оилага тайёрлаш борасида қилинаётган ишлар юзасидан фикр алмашилди. Оилавий муаммоларни келтириб чиқараётган омилар муҳокама қилиниб, иштирокчилар томонидан уларнинг



ечими юзасидан амалий таклифлар билдирди.

Яқунда ёшлар мутахассислардан ўзларини қизиқтирган саволларга жавоб олди.



**Когон тумани**даги “Бизнес саҳнат” лойиҳаси давомида 10 нафар йиғит-қиз ишли бўлди. Ёшлар тумандаги “Ал-ҳаким плюс” МЧЖга ишга жойлаштирилди. Ҳарбий хизматчилар учун махсус кийимлар тикнишга ихтисослашган корхонада ишчилар учун барча шароитлар яратилган. Айни пайтга қадар 70 нафар ёшни иш билан таъминлаган муассаса келгусида улар сонини 100 нафарга етказадиган бўлди.

— Бир йилдан буён иш излаб, турли ташкилотларга мурожаат қилдим, — дейди Умида Назарова. — Аммо ҳаракатларим бесамар кетди. Бугун Ёшлар иттифоқи ташаббуси билан ўтказилаётган фестивалда ишли бўлдим. Энди оила



бюджетига ўз хиссамни қўшаман ва бундан хурсандман. Барча ташкилотчиларга ўз миннатдорлигимни билдираман.

### САЛОМАТЛИК — КАТТА ХАЗИНА

**Шофиркон туман** тиббиёт бирлашмасига қарашли кўп тармоқли марказий поликлиникада ижтимоий химояга муҳтож 100 нафар ёш болалар текширувдан ўтказилди. Тўққиз йўналиш бўйича ўтказилган текширувлар давомида иштирокчиларга зарур тиббий маслаҳатлар берилди.

Шунингдек, ёшларда аниқланган турли касалликларни даволаш учун Ёшлар иттифоқи томонидан бепул дори воситалари тарқатилди.

Инсон ҳули, унинг одоби яхшиликлар билан гўзал. Фестивал давомида ижтимоий химояга муҳ-

**Хамза РЎЗИЕВ,**  
Ёшлар иттифоқи Бухоро вилояти кенгаши раиси:

— Қалби қайнок, юрагида ўти бор, мамлакат таракқиети ва халқ фаровонлигига ҳисса қўйишни мақсад қилган ёшларни рағбатлантириш, уларнинг муаммоларига атрофича ечим топишга қаратилган фестивал вилоятимизга янги нафас олиб кирди. Лойиҳа бутунлай янги масштабда ўтказилаётгани билан аҳамиятлидир. Мақсадимиз фақат турли учрашув ва кўнгилочар тadbирлар ўтказиш эмас, балки ёшлар муаммо ва камчиликларини ўрганиб, уларга амалий кўмак беришдир.



тож бўлган аҳоли қатлами, айниқса, ёшлар ҳолидан хабар олиш, уларга руҳий ва моддий кўмак беришга алоҳида эътибор қаратилди.

“Бобохайлар” маҳалласида истикомат қилувчи Хайитой Ҳамроева, Алиса Такаева, хўжаорфилик Хасан Сайфуллаев ҳамда тумандаги яна тўрт нафар ижтимоий химояга муҳтож ёшларга керакли дори воситалари, иссиқ кийимлар совға қилинди. Хусусан, “Хўжаориф” маҳалласида яшовчи, оилавий шароити оғир, имконияти чекланган Азиза Олимжоновна ногиронлик аравачаси туҳфа этилгани бир ўқисик кўнгилни шодлантирди.

— Бундай тadbирларни ўтказишдан асосий мақсад — имконияти чекланган ёшларни қўллаб-қувватлаш, ҳаётга муҳаббатини ошириш, юртимизда уларга яратилаётган имкониятлар тўғрисида маълумот беришдир, — дейди Ижтимоий чекланган ёшлар ва болалар Республика маркази координатори Дилафруз Кўчқорова. — Келгусида бу ишларнинг кўламини янада кенгайтиришни мақсад қилганмиз.

### ЁШЛАР НАШРЛАРИ ЁШЛАРБОП БЎЛСИН!

“Ёшлар наشرлари кунини” фестивалнинг ўзига хос қисми бўлди. Зеро, ёшлар муаммолари, уларнинг қувонч-шодлиги, дард-аламларини етказишда матбуотнинг ўрни бекиёс. Бухоро шаҳри ҳамда **Шофиркон тумани**да ўтказилган лойиҳада Ёшлар иттифоқининг умумтаълим мактаблари етакчилари, худудий ва маҳаллий наشرлар вакиллари иштирок этди.

Учрашувда ёшлар наشرларининг бугунги ҳолати ва фаолияти таҳлил этилди. Газета ва журналларнинг ютуқ-камчилиги билан бир қаторда, наشر ёшларбоп бўлиши зарурлиги, унда ёшлар худуд келаётган муаммолар кўпроқ акс этиши, ёш авлод таълим-тарбиясида қузатилаётган хатолар муҳокама қилиниши зарурлиги таъкидланди.

Айтиш жоизки, учрашувда ёшларнинг ўзаро баҳс-мунозарара киришиб, масалага танқидий руҳда ёндашгани мулоқотнинг қизгин ўтишини таъминлади. Иштирокчилар турли ёшлар наشرларига обуна бўлгани ҳолда улар ўз вақтида газеталарга етказилмаётгани, бу эса зарур ахборотлардан ўз вақтида хабардор бўлиш имконини бермаётганини айтди.

Ёшлар фестивали Бухоро вилоятида бугун ўз ниҳоясига етди.

**Наргиза УМАРОВА,**  
**Жавлон ВАФОВЕВ,**  
**Лайло ХАЙИТОВА,**  
**Шерзод МАХМУДОВ.**

KITOB JAVONINGIZGA

Rohilabonu G'O'CHCHIYEVA,  
o'quvchi

# Uyug'ongan vijdon

Onamning aytganlari misli o'g'it:  
"Qo'lingda hamisha kitob bo'lsin. Bitta so'z  
o'qisang ham nimadir o'rganasan, bolam!"



O'shandan buyon mutolaaga o'chman. Ba'zan uyda o'qib tugata olmagan yostiqliq romanlarni ham ko'tarib ketaveraman. Kunlarning birida Ma'suma Ahmedovaning "Hikoyalar" nomli kitobi qo'limga tushdi. To'plamdan o'rin olgan hikoyalarni men butunlay mutaassir qilib qo'ydi.

Muallif ko'rgan-bilganlari, boshidan kechirgan va yurakdan o'tkazganlarini boricha qog'ozga tushirgani — asarlardagi samimiy ifodalari o'quvchini maftun etadi. Ularda do'mbiraning kuyiday yurakning nozik torlarini chertadigan, chanqovuz nolasidek ko'ngilni o'rtaydigan ohang bor. Bularni Ma'suma opaning ijod namunalari o'qish va uqish asnosida his etasiz. Uning hikoyalari atrofimizda biz ko'rib, payqamaydigan turfa odamlar: oliftalar, olchoqlar, miskinlar, faqirlar, munislar, odamlar bilan yuzlashiradi.

"Bayramlik" hikoyasini olaylik. Uning syujeti o'yab topilmagan. Xuddi yozuvchi ko'chaga chiqqan-u, duch kelgan odamning yuziga oyna tutgandek, taassurot uyg'otadi, insonda.

Asar qahramoni — Toshpo'lat uyidan chiqayotganda turmush o'rtog'i bozor uchun ro'yxat beradi. U: "Shokirga botinka, Ahmadga mayka, Rahimga shim...", — deya barmoqlari bilan bitta-bitta sanar ekan, bo'yo kamxarj otaning g'ururini mana shu barmoqlardak bukadi. Toshpo'lat maoshini xomcho't qilib, ishga yo'l oladi. Avtobazadagi hamrohlari esa, biron joyga borib ulfatchilik qilish ilinjida. Ammo bu safar Toshpo'lat ularning taklifini rad etib: "Churvaqalarni bir xursand qilaylik, keyin", — deydi.

Shundan so'ng maoshini cho'ntakka urib, magazinga jo'naydi. Yo'l-yo'lakay xarid qilinnajak narsalarni sanab boradi: "Ilhomga botinka, Ahmadga ko'ylak, Shoiraga mayka... Shoir maykani nima qiladi?"

Aslida mayka o'g'li Adham uchun edi. Ammo Toshpo'lat sanoqda adashib ketadi. Bu bilan yozuvchi farzandlari hayotiga befarq otalar ham borligiga ishora qiladi. Toshpo'lat ulfatchilikdan bo'shamaydigan inson. O'lasiga e'tibori sust. Faqat bu safar otalik hissi ustun keladi.

Toshpo'lat do'konga kirgach, tepa qatordagi yaltiroq qog'ozga o'ralgan novvotrang matoga ko'zi tushadi. "Bunday libosni beli qilday, "puf" desa uchib ketadigan olifta nozaninlar

kiysa kerak-da", — deya ko'ngildan o'tkazadi. So'ng qiziqsinib matoning narxini so'raydi. Sotuvchi qiz uni kalaka qilganday javob beradi. Toshpo'latning ori keladi. Ro'zg'origa yetib-yetmay turgan pulning borini sarflab bo'lsa ham, xotini uchun, garchi u ro'yxatda bo'lmasa-da, bir kiyimlik mato olishga ahd qiladi. Bolalarim kiyim-kechaksiz qoldi, maoshning qolganini ro'zg'orning boshqa kam-ko'stiga ishlatay, degan fikr yo'q.

Xullas, sotuvchi qiz qimmatbaho matodan o'lchab beradi-yu, ammo hisob-kitob qilishni unutadi. Hikoya shu yerga kelganda avjiga chiqadi. Toshpo'latning ichida g'alayon boshlanadi. U allaqachon do'kondan ko'chaga chiqib ulgurgan. Matoning pulini bermay, indamay ketaversa ham bo'ladi. Ammo vijdoni qiynalmoqda. Shunday ichki ziddiyat ila qahramonimiz uyiga yetib boradi. Xotiniga olib kelgan matoni uzatadi. Ayol lom-mim deymaydi. Matoga xuddi birovnikiday, qo'l tekizsa kuydiradiganday tikiladi. Odatda oila a'zolarining bir-biriga sovg'a ulashishi oddiy hol. Ammo o'zbekning shunday xonadonlari borki, hisdan andisha ustun turadi.

Shu joyda yozuvchining mahoratiga qo'yil qolish kerak. U vaziyatni shunday ifodalaydiki, huddi er-xotin bir-biriga endi dil yozayotgandek.

— Yo'qmadimi? — Nega yoqmas ekan, siz obkelsiz-u, yoqmaydimi? — Hikoya so'ngida esa, Toshpo'latning mudroq vijdoni uyg'onadi. U do'konga qaytib borib, hisobda adashganini aytadi. Endi sotuvchi qiz ham boyagiday kalondimog' emas. U birdan yumshab minnatdorchiligini izhor etadi.

Asarning asosiy jihati shundaki, har bir qahramon xarakteriga andisha, mardlik, g'urur, halollik kabi fazilatlar singdirilgan. Inson aslida mana shular bilan go'zal.

SABOQ

## Yopilmaydigan eshiklar

O'tgan zamonda bir boy bog'bon yigitning nihoyatda go'zal xotinini ko'rib qolibdi. Shundan boshlab uni qo'lga tushirish uchun chora izlay boshladi. Bir kuni boy bahona topib, bog'bonni xizmat safariga jo'natibdi. O'zi esa, uning uyiga kirib, xotiniga:

— Uydingi hamma eshiklarni yopib ichkarisidan tambala, — deb buyuribdi. Ayol boynig amrini bajargach, boy har ehtimolga qarshi: "Eshiklarning hammasini yopib tambaladingmi?" — deb so'rabdi. Shunda bog'bonning xotini:

— Yo'q, uchta eshikni qancha

urinsam ham yopa olmadim, — debdi.

— Qani, qaysi eshiklar ekan? Ko'rsat menga, o'zim yopib kelaman, — debdi nafsini tiya olmagan boy.

— Bu eshiklarni siz ham yopa olmasiz. Ular or-uyat, nomus-vijdon va ishonch-sadoqat eshiklaridir, — debdi ayol donolik bilan.

Bu so'zlardan ta'sirlangan boy qilgan ishidan mulzam bo'lib, bog'bonning uyidan chiqib ketibdi.

Xulosa: ayol — aziz-mukarram zot. Uning orini toptash, nomusiga tegish, hatto haqorat qilish juda katta gunoh. Ayolning qadr-qimmatiga go'zalligida emas, balki izzat-nafsi, ibo-hayosi va sadoqatidadir.

(Abdulla Rustamovning "Hikmatli dunyo" kitobidan olindi).

### O'QING, BU QIZIQ!



Islandiyada Rojdestvo bayrami arafasida odamlar bir-biri bilan kitob almashib, uni ertalabgacha mutolaa qiladi.

"Rojdestvo kitobxonlari" deb nomlanuvchi mazkur an'ana Ikkinchi jahon urushi yillarida paydo bo'lgan. O'sha paytda qog'oz qimmatligi sabab, kitoblar kam nashr qilinardi. Shu bois islandiyaliklar bir-biriga kitob ulashishni odat qilgan.

1944-yildan buyon noyabr oyi o'rtalarida mamlakatda "Kitoblar sharhi" deb nomlangan maxsus katalog chop etilib, barcha xonadonlarga tarqatiladi. Odamlar sovg'a uchun o'zlariga ma'qu' kelgan kitobni tanlab, unga buyurtma beradi. Sovg'alar 24-dekabrda ochiladi va an'anaga ko'ra, har kim issiq shokolad yoki ichimlik ichib o'tirgan holda, o'ziga sovg'a qilingan kitob mutolaasiga beriladi.

Erkin ABDUSATTOROV tayyorladi.

### HAYOT SO'QMOQLARIDA

Men nazoratchi bo'lib ishlaydigan universam shaharning gavjum yerida joylashgan. Odam ko'pligidan sotuvchilarning qo'li-qo'lga tegmaydi. Nazoratчилar ham mo'l. Bir zum e'tibor chalg'imasligi kerak, chunki qo'li egri insonlar uchrab turadi. Chap yelkada o'tirgan Lain ularni peshtaxtadagi mollarni o'marishga da'vat etadi. Monitorlarni ko'zimi uzmay, xarid uchun mahsulotlar tanlayotgan insonlarga nigohimni qadayman.

## QAYTARILGAN SOVG'ALAR

Ular orasidan kimdir ko'zimga issiq ko'rindi — sevgilim Gulmira! Yuragim xapriqib ketdi. Gulmira dunyodagi eng yaxshi qiz. Uni dildan sevanam. Ikki-uch kunda sog'inib qolaman. Gulmira epchil, kayvonilar tili bilan aytganda "uyim-joyim deyilgan"lardan. "Oyimga ish qildirmayman", — deydi u. Oila to'ng'ichi bo'lgani uchun ko'p yumushlar uning gardanida, bozor-o'charni ham o'zi qiladi. Men ham to'ng'ich, lekin bozor-o'charga uquvim yo'q.

Xullas, monitorda Gulmirani kuzata boshladim. Qiz atrofga olazarak boqar, qimmatbaho shokoladlarni cho'ntagiga urardi. Yana allanarsalarni jemferining yengiga tiqardi. Bu necha puldan tushdi?! Boshim g'uvilladi, aqlim lol... Nima qilsam ekan? Shu payt uning ro'parasida nazoratchi hamkasbim Isroil paydo bo'ldi. Isroil Gulmira bilan ahdun paymonimizni bilar, ko'cha-ko'ya barga yurganimizda Isroilga ko'p bora duch kelganmiz. Tarvuzim qo'ltig'imdan tushib, "tars" yorildi.

Uyat o'limdan qattiq. O'g'riligi isbotini topgan, nomusdan yuzlari alvondek Gulmira ko'z o'ngimdan ketmadi...

Taqdirim og'ir zarbasi, oltin deganim mis bo'lib chiqqanidan azoblanib, bir oygacha kechalari uyqum kelmadi. Garang odam kabi hushsizlanib yurdim. Gulmiraning telefon qo'ng'iroqlariga javob bermasdim. Qiz tinmay SMS yozib, kechirim so'radim. "Yana ichimda tahli qildim. Balki ko'nglim juda qattiq, mening o'mimda boshqa yigit bo'lganda uni kechirmirdi?! Alam qilgani, yo'qchilikdan shu ishni qilgan desam, ota-onasi

obro'li tashkilotda ishlaydi. Ishxonada xunuk gap-so'zlar tarqaldi: "G'ulom yaxshi ko'rgan qizi bilan o'g'irlik qilipti", "G'ulom qizga sharoit yaratib beribdi"...

Insondan qaddim dol bo'ldi. Ishdan bo'shah haqida ariza yozib, mudirimizning kabinetiga kirdim.

— O'g'lim, aslo o'kinma, gap-so'zlarga e'tibor berm! — dedi u. — Sening halol, diyonatli yigit ekaningni yaxshi bilaman. Endi, "Odamning olasi ichida", deydlar.

Parvo qilmay, yaxshi ishlayver! Hayotda nimalar bo'lmaydi, deysan. Erkak kishi hayot zarbalariga ko'ksini tog' qilishi kerak. Shundaygina bu buyuk martabaga sazovor bo'ladi.

Qalbi daryo, jo'mard insonning daldasi dardimga ozgina malham bo'ldi.

Kunlarning birida ishdan qaytayotgan, Gulmira yo'limdan chiqdi. Ranglari aftodahol, ozib ketibdi.

— G'ulom aka, meni kechiring, sizday yigitni yuziga oyoq bosdim, — dedi u yig'lamsirab.

— Gulmira, meni tinch qo'y, endi yo'limiz boshqa-boshqa. O'zingni oqlama, iltimos. Sen bunaqa qilgani ko'p qilgansan. Avvallari birov ko'rmagandir, lekin Yarattigandan hech bir g'uhohni yashirolmaysan!

Gulmira lablarini qattiq tishladi, qo'lidagi katta elimxaltani oyoqlarim ostiga qo'yib yugurib ketdi. Xalita ichiga ko'z tashladim, unda bayram, tug'ilgan kunlarida men bergan sovg'alar bor edi.

G'ulomning so'zlarini  
Nasiba ABDULLAYEVA  
oqqo ko'chirdi.

### 1 SAVOLGA 1 JAVOB



Savolga huquqshunos Asror ERGASHEV javob beradi:

— Bu masalada Vazirlar Mahkamasining 2001-yil 17-avgustdagi "Oliy o'quv yurtlari talabalariga stipendiyalar to'lash tartibi va miqdorlari to'g'risida", shuningdek, Oliy va o'rta maxsus ta'lim hamda Moliya vazirlklarining 2004-yil 10-martdagi qarorlari bilan tasdiqlangan Oliy ta'lim muassasalari talabalariga stipendiyalar tayinlash va to'lash tartibi to'g'risidagi yo'riqnomaga murojaat etish kerak. Yo'riqnomaning 14-bandiga muvofiq, belgilangan tartibda bir oliy ta'lim

— Tanishim 3-kursdan o'qishini Urganch davlat universitetiga ko'chirdi. U avval ta'lim olgan Nukus davlat pedagogika institutidan yozgi semestri "4" bahoga yopgan.

Biroq o'quv yili avvalida unga sentabr oyi uchun stipendiya to'lanmasligi aytiladi.

Shu holat qonuniymi, bilmoqchi edim?

Qayrat SAMIYEV  
Nukus shahri

muassasidan boshqasiga o'tkazilgan talabaga stipendiya u reyting nazorati natijalari bo'yicha o'quv rejalaridagi tafovutlarni bartaraf etgandan keyin tayinlanadi.

Bundan chiqdi tanishingiz yangi oliyohning o'quv dasturi hamda rejalariga muvofiq tafovut fanlarini topshirgach, stipendiya olishi mumkin. Stipendiya tayinlashda avvalgi oliy ta'lim muassasasidagi reyting nazorati natijalari ham inobatga olinadi.



(Yosh huquqshunoslar kengashi bilan hamkorlikda tayyorlandi).

### HIKMAT

Boylikka kuchi yetmagan, boylikdan o'zini yo'qotib qo'ygan,  
boylikka ko'tarilmagan kimsa ruhan zaif kimsadir.

SENEKA

## "YOSH KIFOBXON" bilimdonlik mashqlari



11. Fransuz bolalar yozuvchisi, "Qizil qalpoqcha" ertagi muallifi. 12. "Oltin devor" komediyasi qahramoni. 13. Atoqli o'zbek adibi, "Navoiy" romani muallifi. 14. Daniyalik ertakchi adib. 17. Abdulla Oripovning volidasiga bag'ishlab yozgan she'ri. 18. Taniqli turk hajvchi adibi, dramaturg. 20. "Alpomish" dostoni qahramonlaridan biri. 21. Maktub tarzida yozilgan asar. 26. Sa'diy Sheroziy asari. 27. Asl imi Mohlaroyim bo'lgan mumtoz shoir. 37. Abdurahmon Jomiy dostoni. 38. "Yo'lbaris terisini yopingan pahlavon" dostonini yozib qoldirgan gruzin shoiri.

Zanjir holda: 4. Abdulhamid Cho'poning "Kecha va kunduz" romani qahramoni. 5. Nizomiy Ganjaviy dostoni. 6. Sharq mumtoz she'riyatiga xos vazn. 7. Adabiy janr. 8. O'kir Hoshimovning "Bahor qaytmaydi" qissasi qahramoni. 9. O'zbek mumtoz g'azalnavis shoiri. 22. Usmon Nosir dostoni. 23. Muqimiyning lirik she'ri. 24. Abdulla Qodiriyning "Mehrobdan chayon" romani qahramoni. 25. "Shum bola" qissasi personaji. 33. O'quv qo'llanma. 34. Kutubxonadagi kitoblar ro'yxati. 35. "Alisher Navoiy" dramasi qahramoni. 36. Yozuvchilik faoliyati.

Eniga: 12. Erkin Vohidov dostoni. 19. Maqol: "Belgi bo'lsa, so'zdan adashmas, ... bo'lsa, so'zdan adashmas".  
Yoylar bo'yicha: 26. She'riy parcha. 28. Yirik nazmiy asar. 29. Abulqosim Firdavsiy hikmati: "Suxan taxmin etdim chekib mehmatim, Men o'lsam, asrlar yashaydur ...!". 30. Kitobning ustki qismi.

Tuzuvchi: Foziljon ORIPOV.

MUAMMONOMA. Shaki atrofidagi raqamlarda ikki misra hikmatli so'z va uning muallifi yashiringan. Avval quyida ta'riflanib, raqamlarda ifodalangan kalit so'zlarni toping va javoblardagi harflar orqali muammononani hal eting.

1. She'riy parcha — 3, 8, 12, 9.  
2. Alisher Navoiy dostonida asl ismi Qays bo'lgan qahramon — 18, 8, 19, 15, 6, 15.  
3. XVI asrga mansub o'zbek shoiri va adibi Xoja qalamiga mansub asar — 5, 6, 11, 13, 4, 10.

4. Asarning mustaqil qismi — 3, 14, 11, 1, 18.  
5. Nasriy asar janri — 17, 1, 2, 4, 12, 8.

6. Bir baytdan iborat mustaqil she'r — 16, 8, 10, 7.  
Diagonal bo'yicha o'ngga: 1. Sharq xalqlari mumtoz adabiyoti-ga mansub ijodkorning besh dostonidan iborat asari. 31. "Gulxan", "Qanot" kitoblari muallifi, o'zbek shoirasi. 37. Dostonlar kuylovchi

2. Har qaysi gazeta yoki jurnal uchun mavsumiy jarayon. 15. Yurtimiz manzaralarini madh etib she'riar yozgan belorus xalq shoiri. 16. Xalqimiz latifalarining umbrqoyi qahramoni. 32. Zulm va haqsizlikka qarshi kurashishga chorlovchi o'zbek xalq dostoni.

Bo'yiga: 3. Hajviy asarlar muallifi, O'zbekiston xalq yozuvchisi. 10. Yirik hajmdagi nasriy asar.

xalq shoiri, oqin.

Diagonal bo'yicha chapga: 2. Har qaysi gazeta yoki jurnal uchun mavsumiy jarayon. 15. Yurtimiz manzaralarini madh etib she'riar yozgan belorus xalq shoiri. 16. Xalqimiz latifalarining umbrqoyi qahramoni. 32. Zulm va haqsizlikka qarshi kurashishga chorlovchi o'zbek xalq dostoni.

Bo'yiga: 3. Hajviy asarlar muallifi, O'zbekiston xalq yozuvchisi. 10. Yirik hajmdagi nasriy asar.

Dizayner  
Abdullayev  
Xurshid  
O'ktamjonovich

Navbatchi  
Erkin Abdusattorov

"YOSHLAR OVOZI" dan  
materiallarni ko'chirib bosish  
tahririyat ruxsati bilan amalga  
oshirilishi shart.  
1 belgisi bilan tijoriy  
materiallar chop etiladi.



Tahririyat manzili: 100083, Toshkent, Matbuotchilar ko'chasi, 32.  
Telefonlar: (371) 150-22-74, (371) 233-95-97, (371) 233-79-69 (faks)  
E-mail: yoshlarovozi@umail.uz

"Sharh" nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida,  
A-2 formalda chop etildi. Hajmi — 2 bosma taboq.  
Korxonalar manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41.

Indeks: 203, 3203  
Bahosi kelishilgan narxda.

Buyurtma G-1136  
Adadi — 11186  
Bosilishga topshirilish vaqti — 21.00  
Toshkent — 22.35  
O'za yakuni — 21.05